2006 ЙИЛ, 5 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (10.622)

Баҳоси эркин нархда

БАРҚАРОРЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ





Мамлакатимиз истиқлолнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйига улкан ютуқлар билан кириб бормоқда. Демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин иқтисодиётни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида қўйилаётган янгидан- янги қадамлар бунинг яққол далолатидир.

Залворли ютуқларимизнинг асосида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик- осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик руҳи, эртанги кунга бўлган юксак ишончи мужассам. Зотан, барқарорлик ва бунёдкорлик - тараққиётнинг қўш қанотидир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, мамлакат ободлиги ва эл-юрт фаровонлигини ошириш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар янги, юксак босқичга кўтарилмоқда. Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари, юртимизга кенг кўламда кириб келаётган инвестиция ва сармоялар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгариб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Айниқса, пойтахтимизда замонавий янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежлар, мактаблар, шифохоналар, равон ва қулай йўллар, кўприклар, кўркам боғу хиёбонлар барпо этиш борасида улуғвор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 апрель куни Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишди.

Наврўз байрами кунлари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Қоратош мавзесида бир йўла учта янги ижтимоий объект — оилавий поликлиника, тикувчилик корхонаси ва маҳалла маркази ишга тушди.

55-оилавий поликлиника Қоратош, Чақар, Чорсу, Гулбозор, Хадра маҳаллаларида истиқомат қиладиган 30 мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда юздан ортиқ тиббиёт ходими ишлайди. Уларнинг асосий қисми оилавий шифокорлардир. Шифохона аҳолига кеча-кундуз ишлайдиган ҳаракатдаги узлуксиз бирламчи тиббий ёрдам хизмати кўрсатади. Болалар, катта ёшлилар, аёлларга тиббий хизмат кўрсатадиган хоналар, шунингдек, алоҳида ихтисосликлар бўйича шифокор кабинетлари мавжуд. Улар энг замонавий компьютер техникаси ва махсус тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Масалан, стоматология хонасида Италиянинг «Фашион» фирмаси ускуналари ўрнатилган. Улар тишни оғриқсиз ва шовқинсиз даволаш имконини беради. Рентген хонасидаги «Флюроренекс» аппарати эса Россиянинг «Вимпель» заводида ишлаб чиқарилган. У бир соатда 60 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Аввалги рентген ускуналаридан фарқли ўлароқ, бу аппаратда плёнка ва реактивлар ишлатилмайди. Тасвир тўғридан-тўғри компьютерга кўчади ва уни оддий оқ қоғозда чиқариб олиш мумкин.

— Биз оилавий поликлиникаларни шунчаки, замонасозлик учун қураётганимиз йўқ, — деди давлатимиз раҳбари. — Бундай ёруғ ва шинам шифо масканларини бунёд этишдан мақсадимиз соғлом авлодни камол топтириш борасидаги эзгу мақсадларимизни тўла рўёбга чиқаришдан иборат. Аммо уларни қуришдан олдин, тегишли ҳудуддаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ҳар томонлама таҳлил этилиши даркор. Айтайлик, қанча кекса, қанча хотин-қиз ва ёш бола бор, уларнинг қанчаси қандай тиббий кўмакка муҳтож - ҳаммаси пухта ўрганилиши шарт. Оилавий поликлиника фаолиятининг йўлга қўйилиши, жиҳозланиши, муайян ихтисосликлар бўйича шифокорларнинг ишга жалб этилиш жараёни ана шундай аниқ маълумотларга таянган ҳолда ҳал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Бундай поликлиникаларда биринчи галда чақалоқлар, болалар ва оналар, ҳомиладор аёлларга, шунингдек, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш устувор мақсадга айланмоғи лозим. Яна бир муҳим жиҳат, оилавий поликлиника ходимлари беморни кутиб ўтирмасдан, аҳолининг доимий тиббий ёрдамга муҳтожлик даражасини мунтазам ўрганиб боришлари, профилактика ишларини изчил амалга оширишлари керак.

Ислом Каримов поликлиникадаги шарт-шароитлар билан танишар экан, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар шифокорларнинг касбий фаолиятига, шахсий ва оилавий ҳаётига қандай таъсир кўрсатаётгани билан қизиқди.

Яқинда ишга тушган «Мурувваттекс» корхонасида 270 нафар ишчи ишлайди. Унда турли трикотаж буюмлари, асосан, болалар кийим- кечаклари, кўйлаклар, майкалар тикилади. Корхонада замонавий жиҳозлар ўрнатилган.

— Илғор техника ва технологияларга асосланган, кишилар талабига тез мослаша оладиган бундай ихчам фабрикалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим, — деди Юртбошимиз. — Айни чоғда, бундай корхоналар, биринчи навбатда ўзининг кенг ва истиқболли бозорига эга бўлиши, ўз маҳсулотларига харидор топа билиши, камида бир-икки йиллик буюртмаси олдиндан маълум бўлиши керак. Шундагина корхона кутилган самарани бериши мумкин.

Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида бунёд этилган 14-оилавий поликлиника фаолияти билан ҳам танишди.

Ҳомийлар маблағлари иштирокида қисқа муддатда қуриб фойдаланишга топширилган мазкур шифо масканни тўртта маҳалланинг йигирма беш минг кишилик аҳолисига хизмат қилади. Илгари аҳоли бир неча поликлиникага қатнашга мажбур эди. Янги оилавий поликлиникада эса турли мутахассислардан иборат ўттиз тўрт нафар малакали шифокор ҳамда олтмиш саккиз нафар ҳамшира кунига 250 кишига бирламчи тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Поликлиника тўла компьютерлаштирилган, бу ерда замонавий, юқори технологияли рақамли рентген, стоматология, ташхис анжомлари ва бошқа асбоб- ускуналар ўрнатилган. Ҳар бир оиланинг саломатлик паспорти яратилган. Унда хонадон аъзолари саломатлиги, уларни безовта қилаётган касалликларнинг олдини олиш борасида қилинаётган тадбирлар қайд этиб борилади. Айниқса, кексалар, болалар, ҳомиладор аёллар саломатлиги қатъий назоратга олинган.

Аҳолига интенсив тарзда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида оилавий поликлиникада куну тун ишлаш тартиби жорий этилган.

Оилавий поликлиника ходимларини саломатлик посбонлари дейиш мумкин. Улар касалликларнинг олдини олишга сафарбар этилган фидойилардир, деди Юртбошимиз.

Президентимиз Самарқанд дарвоза маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда милиция таянч пунктининг янги биносини бориб кўрди. Маҳалла фаоллари билан самимий суҳбатлашди.

— Маҳалла — камдан-кам мамлакатда мавжуд бўлган ноёб идора, — деди Ислом Каримов. — Бу маскан миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Юртбошимиз «Мурувваттекс» корхонасининг Самарқанд дарвоза трикотаж фабрикаси фаолиятини ҳам кўздан кечирди.

Фабрикада тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозор билан бир қаторда Германия, Австрия, Венгрия ва Голландия каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Корхонада 250 нафар киши, асосан, ёшлар меҳнат қилади.

Юртбошимиз корхона ишчилари билан мулоқотда бўлиб, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида пойтахтимизнинг Ҳалқа йўлида — Сергели тумани ҳудудидаги йирик чорраҳада 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич барпо этилган эди. Ушбу мураккаб транспорт ечими билан боғлиқ яна бир хайрли иш амалга оширилди — йўл ўтказгич Катта ўзбек тракти билан боғланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўл ўтказгич ва Эркин кўрғони оралиғида бунёд этилган 3,7 километрлик янги йўлни бориб кўрди.

— Тараққиётни белгиловчи омиллар кўп, лекин уларнинг энг муҳимларидан бири мукаммал коммуникация тизимини яратишдан бошланади, — деди Юртбошимиз. — Йўл эса коммуникациянинг асосини ташкил этади.

Маълумотларга кўра, истиқлол йилларида пойтахтимиз ва унга туташ ҳудудларда қурилган ва реконструкция қилинган йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприкларнинг умумий ҳажми минг километрдан ошади.

Шу пайтга қадар мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқими Фарғона водийсига пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали йўл олар эди. Эндиликда бундай ортиқча ташвиш ва муаммоларга чек қўйилди. Янги йўл бош кентимиздаги экологик мувозанатни сақлаш ва транспорт қатновини янада яхшилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Биз Тошкентда кўпдан-кўп янги иморатлар, боғлар, хиёбонлар барпо этяпмиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Агар автотранспорт ҳаракати билан боғлиқ мана шундай муаммоларни ҳал қилмаганимизда, амалга ошираётган ишларимиз бесамар кетиши мумкин эди. Қолаверса, замонавий ҳамда йирик шаҳарлар ўз хавфсизлигини таъминлаши керак. Таъмирлаш ва қурилиш ишлари ҳали давом этаётган Тошкент Ҳалқа йўли айни ана шу вазифани ҳам бажаради.

Президентимиз мутасаддиларга бу борада амалга ошириладиган ишлар юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ғулом МИРЗАЕВ,
Норали ОЧИЛОВ,
Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбирлари

СУРАТЛАРДА: танишув пайтидан лавҳалар. Абдувоҳид Тўраев, Сарвар Ўрмонов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

4 АПРЕЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирокида бўлиб ўтган батафсил муҳокамасидан кейин Қонунни қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8-, 71- моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Эрдонаев тақдим этди. Бўлиб ўтган савол- жавоблар ва моддама-модда муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Тўхтабоев «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасининг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Депутатлар ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси Ж.Ниёзова тақдим этди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар мазкур ҳужжат муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

ЎзА

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистон шаҳрида янги вокзал ишга туширилди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган бу иншоот «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси томонидан жуда қисқа муддатда — саккиз ой ичида бунёд этилди. Вокзалнинг очилиш маросимида унинг қурилишида фаол иштирок этган бинокорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

● Андижон вилоятининг Асака шаҳрида капитал таъмирлашдан сўнг марказий поликлиника ўз эшикларини очди. «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти ва қатор қўшма корхоналарнинг ҳомийлик ёрдами билан мазкур даволаш муассасасининг моддий-техник негизи мустаҳкамланди, жумладан бу ерда қиймати 25 миллион сўмлик иккита ноёб УЗИ анжоми ўрнатилди.

● «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда вазирлик тасарруфидаги Ўқувчилар саройи ҳамкорликда Болалар фольклор дасталари республика фестивалини ўтказишди. Фестиваль доирасида вилоят болалар фольклор дасталари концерти, ўзаро мулоқот соатлари, шунингдек, «Ўзбекистон — Ватаним маним!» мавзуида шеърият кечаси уюштирилди.

● Жиззахдаги «Истиқлол» болалар боғида «Варраклар» байрамининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 70 нафарга яқин иқтидорли ўқувчилар ўз маҳоратларини намоён этишди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Жиззах вилоятидан қатнашчилар бешта варраклар тури бўйича ғолиб чиқишди.

● Жиззахдаги «Ўзавтойўл» шўъба корхонаси тизимида янги «Равонйўлқурилиш» корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда қисқа муддат ичида 80 тонналик ҳажмга эга бункер қурилиб, Германия технологияси асосида асфальт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги корхонанинг тўла қувватда фаолият бошлаши билан бир кеча-кундузда 500 тонна асфальт ишлаб чиқариш имконияти юзага келади.

● «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда тайёрланган инсонпарварлик ёрдами ортилган, Тошкентдан Урганчга йўл олган «Саломатлик» поезди манзилга 50 миллион сўмлик қийматга эга тиббиёт ускуналари, кийим-кечаклар, санитария-гигиена воситаларини етказди.

● Қарши шаҳрида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» анъанавий республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди. Унда 22 та йўналиш ва мактабда ўқитиладиган фанлар бўйича ғолиблар аниқланди.

● Ўзбекистон Мусулмонлари идорасида «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва республика «Маҳалла» жамғармасининг «Қўшни-қўшнига» шиори остида йил давомида «Меҳр-мурувват кунлари» ва унинг доирасида «Энг мурувватли қўшни» республика танловининг ўтказилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Танловни ўтказишдан асосий мақсад ногирон, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ва ёлғиз қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўни-қўшничилик муносабатларини янада яхшилашдир.

ЖАҲОНДА

● Испаниянинг Мадрид шаҳрида Кастилия қироллиги ва Амир Темур давлати ўртасидаги дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 600 йиллигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

● Италияда мамлакат Бош вазири С.Берлускони ва чап центристик мухолифат етакчиси Р.Проди ўртасида теледебатларнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Маълумки, теледебатларнинг дастлабки босқичи Продининг ғалабаси билан тугаганди, бу гал Бош вазир ўзини оқлашга интилди. Айтиш керакки, Италиядаги парламент сайловлари 9-10 апрелга белгиланган.

● БМТнинг фаластинлик қочоқлар масаласи билан шуғулланувчи бўлими уларга очлик хавф солаётгани ҳақида огоҳлантирмоқда. Дунё банки статистик маълумотларига қараганда, яна икки йилдан сўнг Фаластинда қашшоқлар миқдори 75 фоизгача кўтарилади. 2000 йилда бу кўрсаткич 22 фоизни, жорий йилнинг февраль ойида эса 56 фоизни ташкил қилган.

● Эрон денгиз кучлари иккинчи ҳарбий торпедоларини Форс қўлтиғида синовдан ўтказди. Нуфузли генераллардан бири Муҳаммад Иброҳим Деҳғаний маҳаллий телевидениеда Эрон ҳарбий арсеналидаги энг кучли қуролнинг яратилгани билан мамлакат аҳолисини қутлади. Айни пайтда Эрон ҳарбий кучлари Омон ва Форс қўлтиғида ҳарбий ўқув машғулотларини олиб бормоқдалар.

● Дунё шахмат федерацияси (ФИДЕ) ўзининг янги рейтингини эълон қилди. Унда болгариялик Веселин Топалов 2804 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўрин шунча очко жамғарган ҳиндистонлик гроссмейстер Вишнатан Анандга насиб этди. Шу пайтгача рўйхатни бошқариб келган Гарри Каспаров бир йил давомида расмий мусобақаларда иштирок этмаганлиги учун жадвалдан тушириб қолдирилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

4 АПРЕЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш аъзолари ваколат муддати шу йилнинг май ва июнь ойларида тугайдиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш масалаларини муҳокама этди.

Йиғилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - посёлкалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фуқаролик жамиятининг муҳим институти эканлиги таъкидланди. Май ва июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатимиз учун катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Сайлов илк бор Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ўтказилади. Сайлов Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳаси ҳамда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик жараёнларни ўзида ифода этиши керак. Ушбу сайловда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тўққиз минг нафарга яқин раиси (оқсоқоли) ва уларнинг саксон минг нафарга яқин маслаҳатчилари сайланади. Бу фуқаролар жойларда ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш бўйича конституциявий ҳуқуқларини нечоғли амалга ошириш имконига эга эканидан далолат беради. Сенат мамлакатимизнинг олий вакиллик органи сифатида жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ўтказишда ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» қарор қабул қилди. Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, бу борадаги тадбирлар режасининг бажарилишига кўмаклашиш бўйича Олий Мажлис Сенати Кенгашининг комиссияси таркиби тасдиқланди. Сенат аъзолари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларига ўзлари сайланган ҳудудларда сайловолди тадбирларини уюштиришда фаол қатнашиш тавсия этилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларини республика ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш муҳимлиги таъкидланди.

Сенат Кенгаши Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 24 февралда ўтказилган бешинчи ялпи мажлисидаги «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш — фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» маърузаларининг асосий қоидаларини амалга оширишга қаратилган чора- тадбирларни бажаришга оид Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳаракат дастури лойиҳасини ҳам кўриб чиқди.

Муҳокама давомида юқори палатанинг ўтган даврдаги фаолиятининг муҳим жиҳатлари таҳлил қилинди. Бу борада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш, Сенатнинг қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлиги ва назорат ваколатининг барча шакллари таъсирчанлигини кучайтириш, маҳаллий кенгашлар депутатлари бўлган сенаторларнинг сайловчилар билан алоқасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Дастур лойиҳасида Сенат кўмиталарининг қуйи палата томонидан қабул қилинган қонунлар билан ишлаш тартиби тўғрисида қатор меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қонунларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қандай бажарилаётганини, Сенат ва Сенат аъзоларининг парламент сўровлари йўналишларини ўрганиш кўзда тутилган.

Юқори палата фаолиятида Сенат кўмиталари билан Халқ депутатлари кенгашлари ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлаш, маҳаллий кенгашлар депутатларининг Сенат кўмиталари иши ҳамда тадбирларида иштирок этиши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича қўшма мажлислар - «Бирлашган сессия»ларни ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кенгаш кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгаши ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105- моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- моддасида белгиланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати 2006 йил май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари 2006 йил май- июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси (бундан буён матнда Кенгаш комиссияси деб юритилади) таркиби ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқлансин.

3.Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар таркибига «Маҳалла» жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлинмалари вакилларини киритиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларга фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун тузилган ишчи гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасида фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайловолди тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишнинг бориши ва ўтказилишини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

6. Кенгаш комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ва 2006 йил 15 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 4 апрель.

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

СОҲИБҚИРОН — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

УЛУҒ БОБОМИЗ АМИР ТЕМУР ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИНИНГ КЎҲНА ШАҲРИСАБЗГА ҚАРАШЛИ ХЎЖА ИЛҒОР ҚИШЛОҒИДА 1336 ЙИЛ 9 АПРЕЛЬ КУНИ БАРЛОС ҚАВМИДАН ЧИҚҚАН ЎРТАҲОЛ БЕКЛАРДАН БИРИ АМИР ТАРАҒАЙ БАҲОДИР ОИЛАСИДА ДУНЁГА КЕЛДИ.

1370-1405 йиллар мобайнида, яъни 35 йил Самарқанд тахтини бошқарган Соҳибқирон Амир Темур салтанатга асос солди. У тузган салтанат сарҳадлари жанубда Арабистон ярим оролидан шимолда — то Москва князлигига қадар, шарқда Хитой ҳудудларидан ғарбга томон Ўрта Ер денгизи давлатлари ерларини ҳам ўз ичига олган ҳудудларга қадар чўзилиб кетган эди.

Амир Темур тарихда ўчмас из қолдирган буюк шахс, йирик давлат арбоби, бунёдкор, моҳир, мард саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси. Биз бугун бу ҳақиқатни яхши англадик ва биламиз. Ғарбда, масалан, Италия, Франция, Испания, Англия, Германия ва бошқа мамлакатларда бу ҳақиқат XV-XVII асрлардан бери маълум. Жумладан, XV асрдаёқ французлар Соҳибқиронга олтиндан ҳайкал ясатиб, унга «Европа ҳалоскорига» деган сўзларни ёздиртириб, Париж (Франция пойтахти) музейларидан бирига қўйдиришган экан ёки Амир Темур шахси ҳақидаги биринчи китоб Флоренция (Италия)да чиққан, бу китоб италиялик олим Перондини қаламига мансуб. Шу асрда испан тарихчиси Мексиканинг «Буюк Темур тарихи» деган асари ҳам чоп этилди. 1582 йили Севильяда Испания элчиси Клавихонинг «Эсдаликлар»и нашрдан чиқди. Инглиз драматурги Христофор Морлонинг «Буюк Темур» деган саҳна асари ҳам шу асрда яратилди. Шундан бери буюк Соҳибқиронга аталган асарларнинг кети узилмайди. Бугун Амир Темур ҳақида нафақат Европа мамлакатларида, балки бутун дунёда юзлаб китоблар, мақолалар француз, немис ва инглиз тилларида чоп этилмоқда.

Мустақиллик даври том маънода ҳазрати Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини баҳолаш ва изгатини ўрнига қўйишда шахсан Президентимизнинг ўзи ташаббускор бўлди. Юртбошимиз Фармони билан 1996 йилнинг Республикада Амир Темур йили деб эълон қилиниши, 1996 йил 26 апрелда «Амир Темур» орденининг таъсис этилиши, 1996 йил 18 октябрь куни улуғ бобокалонимиз хотирасига атаб Шарқ миллий меъморчилигининг ноёб мўъжизавий намунаси сифатида бунёд этилган Темурийлар тарихи Давлат музейининг тантанали равишда очилиши фикримиз исботидир. Умумий майдони 5000 м² ни ташкил этган бу иншоот бор-йўғи 6 ой мобайнида қад ростлади. Мана 10 йилдирки у Темурийларни халқимизга, дунёга танитиб келмоқда. Шунингдек, Самарқандда бобокалонимизнинг маҳобатли ҳайкали тантанали равишда очилди. Самарқанд шаҳрига биринчи рақамли «Амир Темур» ордени топширилди. Бундай тантаналар Амир Темурнинг она шаҳри Шаҳрисабзда давом этди. Бу ерда машҳур ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳайкали ўрнатилди. Шаҳар байроғига «Амир Темур» ордени қадаб қўйилди.

Умуман, 1996 йилда халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО қарори билан жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларида Соҳибқироннинг юбилейи ўтказилди. Хусусан, 1996 йил апрелда Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги катта тантаналар билан нишонланди. Бу тантаналарда ЮНЕСКО бош директори ва Франция Президенти Жак Ширак иштирок этишди.

Бунинг сабаби нимада? Амир Темурнинг Туронзамин ва жаҳон халқлари тарихий тақдирида қандай ўрни ва роли бор? Бизнингча, буни қуйидагича изоҳласа бўлади.

Амир Темур Мовароуннаҳрни 150 йиллик мўғуллар ҳукмронлигидан озод қилиб, қудратли марказлашган давлатга асос солди. Мамлакатда осойишталиқ ва барқарорликни таъминлади. «Куч адолатдадир» деган ақидага қатъий амал қилиб, адолатсизлик қилган ҳукмдорларни жазолади, халқ ҳурматэътиборини қозонди.

Амир Темур мўғуллар даврида топталган ва вайрон қилинган халқимиз маданиятини, маънавиятини тиклашга ҳомийлик қилди. Дунёнинг турли бурчакларидан олиму фозилларни, ҳунармандларни Самарқандга тўплади. Уларга ғамхўрлик ва меҳр-мурувват кўрсатди. Илм-фан, айниқса ҳадис ва фиқҳ (ислом қонуншунослиги), илми риёзиёт (математика), фалакиёт (астраномия), табобат, мусиқа, тасвирий санъат, тарих, адабиёт, фалсафа илмлари мисли кўрилмаган даражада ўсди, халқ амалий санъати ривож топди. Айнан шу даврда меъморчилик (қурилиш) алоҳида илм-фан даражасига кўтарилди.

Амир Темур Самарқанд, Кеш, Тошкент, Бухоро ва Қарши каби шаҳарларни қайтадан мустаҳкам қилиб тиклади, обод қилди. Айниқса, Самарқандни жаҳоннинг етти мўъжизасидан бирига айлантирди. Замондош тарихчи Ҳофизи Абру «Самарқанд лойдан қурилган эди, ҳазрат Соҳибқирон уни тошдан тиклади», деб ёзади. Самарқандни дунёнинг пойтахтига айлантириш мақсадида шаҳар атрофида кўплаб қишлоқлар қуриб уларга дунёдаги шаҳарлар — Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Шероз, Султония ва ҳатто Париж (Фориш) номларини берди. Қадимий Кўксарой қайта тикланди. Шаҳар атрофида Боғи чинор, Боғи баланд, Боғи биҳишт, майсазорлар, ариқлар қурилди. Умуман Самарқанд тубдан қайта қурилиб янада обод ва гўзал масканга айланди.

Соҳибқирон ўзининг бутун фаолияти давомида халқимизни, юртимизни улуғлади. Агар бу халқ бирлашса, ўз миллий давлатига эга бўлса, нималарга қодир эканлигини дунёга кўрсатди. Жаҳон Амир Темур тимсолида ўзбек (туркий) миллатини таниди ва тан олди.

Соҳибқирон бутун ҳаётини юртимиз ва халқимиз тинчлиги ҳамда фаровонлиги учун сарфлади. Шу маънода биз уни ҳақли равишда фахримиз, ғуруримиз деймиз.

Искандар ҲАЙИТОВ,
доцент,
Тоҳир АКБАРОВ,
тарих фанлари номзоди

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРДИ.

Бу тарихий воқеа асносида мамлакатларимиз манфаатларига, халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ўнлаб ҳужжатлар имзоланди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Шеркул ШОДМОНОВ Юртбошимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг аҳамияти ҳақида ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Меҳнатсевар корейс халқи яратувчанлиги ва бунёдкорлиги билан мамлакатини дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқди. Бугун у нафақат ички, балки ташқи бозорни ҳам рақобатбардош товар ва хизматлари билан ром этаётир. Корейслар ҳам ўзбеклар каби меҳнаткаш. Халқларимиз иқтисодий тараққиётга эришиш йўлини тинимсиз ўқиб-изланишда, тажриба оширишда, фантехника ютуқларини ўзлаштириш ва бойитишда деб билади.

Юртимиз кўчаларини тўлдириб, кўзимизни қувнатиб юрган «Тико», «Матиз», «Дамас», «Нексия» ва «Ласетти» автомобилларимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Корея Республикаси билан эришилган келишувлар бераётган самарани ёрқин намунасидир. Меҳнаткаш халқларимиз ҳамкорлигининг маҳсули бўлган замонавий, қулай, камхарж бу автомобиллар хорижда ҳам харидоргирдир.

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан изчил ривожланиб келмоқда. Бунга Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига ташрифлари ва ана шу сафарлар асносида ҳамкорликка оид кўплаб ҳужжатлар имзолангани яққол тасдиқдир. Айниқса, Юртбошимизнинг мазкур мамлакатга яқиндаги давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтарди. Бу Ўзбекистон учун ҳам, Жанубий Корея учун ҳам жуда катта сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси Президенти Но Му Хён ва бошқа расмий кишилар билан, шунингдек, ушбу мамлакатнинг етакчи иқтисодий ташкилотлари — Саноатчилар федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси, Халқаро савдо уюшмаси раҳбарлари билан учрашувларда Ўзбекистонда Жанубий Корея бизнесини янада кенгайтириш, икки мамлакатнинг тегишли иқтисодий ташкилотлари, фирма ва компаниялари, корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалалари диққат марказида бўлди, иқтисодий алоқаларнинг янги йўналишларини очиш бўйича фикр алмашилди.

Корея Республикасига бу галги ташриф нечоғли самарали бўлганини эришилган муҳим келишувларнинг пировард натижасида мамлакатимизга келадиган сармоя кўлами ҳам яққол кўрсатиб турибди. Иқтисодий ҳамкорлигимиз ўз тараққиётининг янги палласига кирганини шундан кўриш мумкинки, бу галги ташриф натижасида эришилган келишувлар мамлакатимизга 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этиш имкониятини яратди.

Бу сармоя савдо-иқтисодий алоқаларни янада равнақ топтиришга, жумладан, нефть-газ соҳасида геология-разведка ишларини олиб боришга, минерал заҳираларни ўзлаштиришга, телекоммуникация ва ахборот технологияларини ривожлантиришга, шунингдек, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришга сарфланади. Юзлаб лицей ва коллежларимиз замонавий ускуналар билан таъминланади, уларнинг моддий-техника базаси такомиллаштирилади. Бу Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг яна бир халқаро эътирофидир.

Ташриф асносида имзоланган Хоразм Маъмун академияси билан Кёнгхи университети, Ўзбекистон Банк-молия академияси ва Корея молия институти, Тошкент давлат авиация институти билан Хансо университети, Тошкент кимё- технология институти билан яна шу университет ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар таълим соҳасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

ЎзА мухбири
Норали ОЧИЛОВ
ёзиб олди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Учтепа туманидаги «Чевар» қўшма корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган йиғилишда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш чоралари ҳақида фикр алмашилди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлими Кенгашининг корхона, муассасалар бошланғич ташкилотларида ўтказилган умумий йиғилишларида «Камолот» ЁИҲ Дастури ва Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Охунбобоев маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишлаб ўтказилган семинарда туманнинг фаол аёллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда хотин-қизлар қўмиталарининг раислари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

УМУММАМЛАКАТ МАРАФОНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИЛГАРИ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, АЙНИ КУНЛАРДА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН УМУММАМЛАКАТ ОММАВИЙ ЮГУРИШ МАРАФОНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.





Қадриятлар гултожи Наврўз байрами ва улуғ Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган ушбу марафонда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва пойтахтнинг 14 та жамоаси қатнашмоқда.

Кеча Бектемир туманидаги Красницкий номидаги стадионда тошкентлик спортчилар, Андижон, Тошкент, Наманган, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари жамоалари карнай-сурнай садолари, тумандаги 291, 293-мактаб ўқувчиларининг шодон ўйин-кулгулари, «Омад ёр бўлсин, марафончилар» каби шиорлар билан қутиб олинди.

Байрамона безатилган стадионда бўлиб ўтган ушбу тадбирда шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ таълими тизими вакиллари, маҳаллалар аҳли, олий ўқув юртлари, мактаб ва коллеж ўқувчилари иштирок этдилар. Тадбирда туман ҳокими Акмал Ҳошимжонов, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Равшан Шамсиев, маҳалла оқсоқоли Исмоил ота Орипов ва бошқалар сўзга чиқишиб, марафончиларга омад ёр бўлишини тилаган ҳолда, юртимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, саломатликни тиклаш борасида қўл урилаётган хайрли ишлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтдилар.

— Ушбу марафон тезлик, чаққонлик намойиши бўлиши билан бирга соғломлик, дўстлик, тотувликка хизмат қилади, — дейди марафон ҳаками, Тошкент шаҳар жамоаси раҳбари Ҳасан Ортиқов. — Йилдан-йилга нафақат болалар, балки катталар ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотаётган мазкур югуриш мусобақасига йўлларда спортни севувчи кўнгиллилардан 1000 нафари қўшилди ва бизни қўллаб-қувватлади.

Тадбирда шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари энг ёш спортчи — наманганлик Назокат Мирфайзиева ва энг ёши катта қатнашчи — андижонлик 50 ёшли Абдуваҳоб Низомов ҳамда бошқа қатнашчиларга топширилди.

— Бизга кўрсатилаётган катта эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда, — дейди марафоннинг энг ёш қатнашчиси Н. Мирфайзиева. — Мен барча қатнашчиларга омад ёр бўлишини тилайман.

БУГУН эрта тонгдан яхши дам олиб, тетиклашган спортчилар Сергели туманида кейинги босқичга тантанали кузатиб қўйилди. 84 нафар спортчилар энди Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйича югуришни давом эттирадилар. Эслатиб ўтамизки, умуммамлакат оммавий югуриш марафони 9 апрель куни Шаҳрисабзда, буюк саркарда Амир Темур туғилган табаррук заминда ниҳоясига етади.

Омад сизга, азиз спортчи-ёшлар!

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: марафон қатнашчиларини тантанали кутиб олиш тадбиридан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси



Марказлар фаолиятидан

«ДАВР БЕКАСИ» ЧОРЛАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, РАҒБАТЛАНТИРИШ, УЛАРНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. АЙНИҚСА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲАМДА ТИББИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА КАСБ-ҲУНАРГА ЎРГАТУВЧИ МАРКАЗЛАР ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ОЛИБ БОРМОҚДА.





Шулардан бири шаҳримизда яқиндагина иш бошлаган янги «Давр бекаси» хотин-қизлар ва ўсмир ёшлар ўқув-амалиёт марказидир. Марказ нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ўз фаолиятини бошлади.

— Марказимизни очишдан асосий мақсад, — дейди унинг раҳбари Фарида Бўронова, — хотин-қизлар ва ўсмир ёшларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, репродуктив саломатлигини яхшилаш, маънавий билимларини оширишда ёрдам бериш ҳамда Учтепа тумани «Гузар» маҳалласида истиқомат қилувчи аёллар, уй бекаларини турли касб-ҳунарга ўргатиш, пазандачилик ва тикувчиликка оид билимларини мустаҳкамлашлари учун шароит яратиб беришдир. Шунингдек кам таъминланган, кўп болали оилаларга кўмаклашишга ҳаракат қиламиз.

«Давр бекаси» марказида бичиш-тикиш, (замонавий ва миллий аёллар либослари), элита услубида парда, бисер тикиш, пазандачилик, уйғур, миллий ва европа таомлари, салатлар, тортлар), сартарошлик, ҳалақ, компьютер сабоқлари, инглиз ва рус тиллари каби йўналишлар бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Эътиборли томони шундаки, бошқа марказлардан фарқли ўлароқ бу ерда «Сирдош қизлар» клуби ҳам ташкил этилган бўлиб, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари олиб борилади. Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий саводхонликни ошириш йўлида гинеколог, психолог, ҳуқуқшунос мутахассислар билан мулоқотлар, давра суҳбатлари уюштирилади. Бу эса келажакда қизларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиши, тафаккури, онг ва савияси шаклланишига ўз ҳиссасини қўшади. Шу билан бирга марказ хайрия сифатида маҳалладаги кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олган.

— Ушбу марказда таълим олаётганимиздан жуда мамнунмиз, бу ерда наинки, ҳунар ўрганаяпмиз, балки дунёвий билимларимизни ҳам бойитаяпмиз. Раҳбаримиз Фарида Бўронованинг ҳар биримизнинг иқтидоримиз билан қизиқишлари, орзу-умидларимиз билан сирлашиши бизни янада ҳам бу марказга нисбатан меҳримизни оширмоқда, — дейди марказ ўқувчиси Ойдин Ибрагимова. — Шунингдек, марказда малакали мутахассислар ўқиш ва амалиёт жараёнини маҳорат билан олиб бормоқдалар. Марказ жорий йилнинг бошида иш бошлаганига қарамай, обрўси ва нуфузи ошиб бормоқда. Қисқа фурсат ичида кўплаб хотин-қизларнинг меҳрига ва ишончига сазовор бўлмоқда.

— Аёлларнинг юзидаги мамнунлик, қизларимиз лабидаги миннатдорчилик изҳорини кўриш менга қувонч бахш этади, — дейди Фарида Бўронова. — Энг аҳамиятлиси шундаки, ушбу марказда наинки хотин-қизларга, балки ўсмир йигитларга ҳам сартарошлик сирлари ўргатилмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: «Давр бекаси» ўқув маркази фаолиятидан лавҳалар.

Шарқ дурдоналари

ЎЗ-ЎЗИ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Маъмуннинг вазири Муҳаммад ибн Довуд кунлардан бир кун бир одамнинг шундай деб турганини эшитиб қолди:

Ақл эгаси бўлсанг журъатга ҳам эга бўл,
Чунки журъат бўлмаса иккиланиш
юз берар.

Шунда у қуйидаги байтни илова қилди:

Журъат эгаси бўлсанг шошил ишга солмоққа,
Чунки журъат бузилса ишни орқага сурар!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Олам фили қайтаролмас журъатимиз,
Чархдан зўрроқ шавкатимиз —
қудратимиз.
Гар чумоли кириб қолса сафимизга,
Шер этажак уни дарҳол давлатимиз.

Паҳлавон МАҲМУД

Кишиким бозусида бордур зўр,
Ўзиндин айламас озори бир мўр.

Саид ҚОСИМИЙ

Тўққуз кўкдин ўтсанг ҳам этма ғурур,
Ки фақр аҳли олдида ҳечдур бу тўққуз,
Эмас мард турғонни йиқса киши,
Агар келса қўлдин йиқилғонни турғуз.

МУНИС

Анушервон Бузургмеҳрдан сўради:

— Шижоат нима?

Бузургмеҳр унга:

— Юракнинг қуввати! — деб жавоб берди.

Анушервон яна ундан:

— Нега қўлнинг қуввати эмас? — деб сўради.

— Агар юракда қувват бўлмаса, — деб жавоб берди Бузургмеҳр, — қўлда ҳам қувват бўлмайди, қўл қуввати юрак қувватига боғлиқ!

Шеър:

Юракнинг кучидан қўл куч олади,
Кимда юрак кучли, қўл ҳам кучлидир!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Матонат бу ҳар бир инсоннинг ўз фикрида ва сўзида саботда бўлиши, бир ишга қўл урганда уни охиригача етказиш учун маҳкам туриши ва барча ишда сабр қилишидир. Матонатсиз одам бир ишни бошлайди, бироқ салгина қийинчиликдан сўнг уни ташлаб юборади. Бирор киши уни салгина койиса ёки камчилигини танқид қилса, дарҳол иродаси букилади ва ишончини йўқотади, шубҳа остида қолиб, қилаётган яхши ишини ҳам чала қолдиради.

Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ

Мардона бўл, эмди яхшидур
иш келиши,
Тангрига сени, элни сенга топширдум.

БОБУР

Аллоҳ ғайратли одамни яхши кўради.

ҲАДИС

Азизим, ҳар қандай семиздан ботирлик умид қилиб бўлмайди ва ҳар қандай зўр овозли ва йўғон жуссалидан қувват таъма қилиш ноўриндир. Кўрганмисан, қамиш қанчалик йўғон бўлмасин, барибир ингичка чўпдек синади, лайлакнинг қадди қанча дароз ва баланд бўлмасин, бургут қўлида ожиз бўлиб қолади. Байт:

Мардлик кичиклигу йўғонликдамас,
Қара, лайлак йўғон, бургут кичикдир!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Тадбирлар

ҚИЗЛАР МАЪНАВИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

БУГУННИНГ ОҚИЛА, СОЛИҲА, ДОНО ҚИЗЛАРИ ЭРТАНГИ КУНИМИЗДА ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ, ИШБИЛАРМОН ТИНИБ-ТИНЧИМАС АЪЗОЛАРИГА, ОИЛАНИНГ САРАНЖОМ-САРИШТА, ИБОЛИ, ҲАЁЛИ БЕКАЛАРИГА, ФАРЗАНДЛАРНИНГ МЕҲРИБОН, СИРДОШ СУЯНЧИҒИГА АЙЛАНАДИЛАР. ЗЕРО ҚИЗ БОЛА ТАРБИЯСИ НИҲОЯТДА НОЗИК ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ ҲИСОБЛАНАДИ.



Яқинда Тошкент Автомобиль йўллари институтида "Қизлар маънавияти — миллат мавқеи" мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Кечани институтнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Расул Дагаров кириш сўзи билан очиб, қизларнинг маънавияти, маданияти, миллатимизга хос ва мос бўлган урф-одатларимизга ҳурмат эътибор, анъаналаримизга содиқлик руҳидаги тарбия масалалари хусусида тўхталиб ўтди.

Шунингдек институт хотин-қизлар қўмитаси раиси Хушнуда Шарипова бугунги кунда қизлар орасида урф бўлиб бораётган зарарли иллат—чекиш ва унинг салбий оқибатлари, қизлар одоб-ахлоқи масалалари ҳақида сўзлади. Жумладан, тадбирда талаба қизларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида ташкил қилинган "Машъал", «Ёш нотиқлар мулоқоти" клуби, "Маънавият ва маърифат" хонаси, "Тафсилот" радиосида турли хил учрашувлар, мушоира кечалари, мутахассислар фикрлари мавзуида давра суҳбатлари ўтказиб бориш режалаштириб олинди.

Шунингдек, «Қизлар маънавияти — миллат мавқеи» мавзусидаги тадбирни ҳар ойда ўтказишга келишиб олинди.

Мулоҳаза, мушоҳада, савол-жавобларга бой тарзда якунига етган тадбир жуда мароқли ўтди.

Дарҳақиқат, қизлар—миллат келажаги, юрт номусидир.

Қадамингдан уфурсин
жаннатнинг хуш ислари,
Сўзларингдан бол томсин,
кумуш оймн қизлари.
Атрофингда парвона Отабек
издошлари
Эй, сиз миллат эртаси,
ўзбегим юлдузлари.

Гулчеҳра САТТОР қизи

СУРАТДА: "Қизлар маънавияти— миллат мавқеи" номли тадбирдан лавҳа.

ИБРАТЛИ ҚАЙНОНА ЎГИТЛАРИ

ЯНГИ ТУЗИЛГАН ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШ, КАМОЛ ТОПТИРИШ ВА ЁШ КЕЛИНЛАРНИНГ ЎЗИ ТУШГАН ХОНАДОНДАГИ МАВҚЕИНИ КЎТАРИШ ВА ШУ ОИЛАДА ҲУРМАТ ҚОЗОНИБ БАХТЛИ-САОДАТЛИ ТУРМУШ КЕЧИРИШИ УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК? БУ ҲАҚДА ИБРАТЛИ ҚАЙНОНАЛАР ЎГИТЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТИШ ЖОИЗ.

Келиннинг ўзи тушган хонадондаги мавқеини кўтариш ва шу оилага кўникиши, меҳр қўйиши учун ҳаракатларни ҳам қайнона пухта ўйлаб, изчиллик билан ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Қайнона томонидан келиннинг шу хонадонда алоҳида ўрни борлигини, оила аҳли уни яхши кўриши ва қадрлашини сўзлаб, муомалада, хатти-ҳаракатларда таъкидлаш бу йўлдаги энг яхши воситалардандир. «Келинни келар йили сина» деб бежиз айтишмайди. У келаси йилгача шу оилага кўникиб, унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланишида қайнона муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун нималарга эътибор бериш керак:

- келинга очиқ чеҳра билан самимий, меҳрибон оҳангда исмини айтиб муомала қилиш,
- ортидан гапирганда ҳам, ўзининг ёнида ҳам бағрикенглик билан ижобий амалларини қўллаб-қувватлаш, яхши фазилатларини таъкидлаб кўрсатиш,
- бошқаларнинг у ҳақдаги ижобий фикрларини ўзига самимий хурсандлик билан айтиш,
- келиннинг туғилажак фарзандлари ҳақида меҳр ва орзумандлик билан гапириш унинг шу оилага меҳрини яна ҳам оширади. Шу билан бирга келин ва хонадондаги барча оила аъзолари орасида ўзаро ҳурмат муносабатини шакллантириш, келинга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш ва ғамхўрлик қилиш, шунингдек келинда ҳам янги оила аъзоларининг барчаси учун бирдай қайғуриш ҳисларини тарбиялаш керак бўлади.

Ана шу фазилатларга риоя қилинган оилада тинчлик,тотувлик, меҳр-оқибат ҳукмрон бўлади. Очиқ юзли, ширин сўзли, самимийлик, садоқат бўлган жойда меҳр-муҳаббат туғилади, фаровонлик юзага келади. Бахт-саодатнинг калити ана шунда.

Гулором ҲАМИДОВА

Туманларда

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛМОҚДА

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МАВҚЕИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА.

УЛАРНИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ИШЛАРИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН. АЙНИҚСА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДАН СЎНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ ҲАЁТИДА МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРДИ. БУ БОРАДА ПОЙТАХТИМИЗ ТУМАНЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИДА ФАРМОН ИЖРОСИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМДАГИ САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНМОҚДА. ЖУМЛАДАН СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА МАЗКУР ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ МУҚАДДАМ РАСУЛОВА БИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ.

— Аёл жамият таянчи, оилалар фаровонлиги, осойишталигини таъминловчи улуғ зотдир. Аёл билан олам мунаввар, деб бежиз айтилмайди. Аёл бор жойда тинчлик, файз-барака бор. Шу боис жамиятимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик йилдан-йилга ошиб бораётганлигига ҳар биримиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қатор Фармон ва Қарорларда ҳам яққол намоён бўлаётир. Айниқса Президентимизнинг 2005 йил 25 майдаги Фармонлари хотин-қизлар қўмиталари ишини янада жонлантириб юборди. Албатта ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бизнинг асосий бурчимиз.- Шу мақсадда туман хотин-қизлар қўмитаси қошида ўнта уюшма таркиби тасдиқланиб, ҳар бир уюшма ўз иш режаси асосида фаолият олиб бормоқда.Шунингдек қўмитамизда устувор йўналишлардан бўлган-«Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш» ҳамда «Хотин-қизлар ўртасида спортни тарғиб қилиш ва ривожлантириш» бўйича йўриқнома ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, аниқ вазифалар белгилаб олинган. Собир Раҳимов туман ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси ва хотин-қизлар қўмитаси ҳукуматимиз қарорлари ҳамда «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили давлат дастурини бажариш мақсадида оила, оналар ва болаларни ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш борасида бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, шунингдек нотинч ва ноқобил оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш бўйича қилинган ишлар юзасидан ўтган йили 58 та маҳалла вакилларини жалб қилган ҳолда кўчма Пленумлар ўтказилди.

Айтиш жоизки, туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан маҳалладаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг олиб бораётган ишлари мунтазам равишда таҳлил қилинади. Жойларда маслаҳатчилар фаолиятида дуч келинаётган муаммоларни бартараф этишда уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан уларнинг иш режаларида қайси масалалар устувор ўрин эгаллаши, нималарга биринчи навбатда аҳамият қаратиш, бугунги кунда аёллар орасида қандай муаммолар мавжудлиги, уларни қандай ҳал қилиш чоралари юзасидан таклиф ва тавсиялар бериб борилади. Бу борада тумандаги намунали иш тажрибасига эга бўлган «Пахта», «Ачаобод», «Қорасарой», «Намуна» сингари маҳаллалар маслаҳатчиларининг иш юритиш услублари бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилмоқда. Оилаларни мустаҳкамлаш мақсадида оилавий аҳримларнинг олдини олиш, уларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу ишларни амалга оширишда маҳалла хотин-қизлар комиссиялари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, соғлиқни сақлаш, таълим тизимлари ходимлари ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлимларининг ҳамкорлиги кучайтирилган. Шу боис ўтган йили оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган ишлар натижасида 872 нафар меҳнат бўлимида рўйхатда турган хотин-қизлардан 799 нафари иш билан таъминланди. Бундан ташқари оилалар ўртасидаги низоларни бартараф этиш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида ўтган йили 6 та оилалар яраштирилиб, ажралишларнинг олди олинди.

Оилада соғлом авлодни шакллантириш, тиббий саводхонликни ошириш, хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш мақсадида маҳаллаларда турли мавзудаги маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш керак, ўтган йили Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси Раёсат йиғилишининг қарорига асосан Собир Раҳимов туман хотин-қизлар қўмитаси намунавий таянч хотин-қизлар қўмитаси деб белгиланди. Мазкур қарор асосида қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, ижобий иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида сентябрь ойида туман ҳокимлигида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро,Навоий ва Хоразм вилоятлари туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раислари учун Президентимизнинг ПФ 3434-сонли Фармонининг бажарилиши юзасидан республика ўқув семинари ўтказилиб, тажрибалар алмашинди.

Мақсадимиз албатта оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларни давлат ва жамият ишларига кенг жалб этиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга оширишдан иборат. Бу борада олиб бораётган ишларимизда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ўйлайманки, келгусида ана шу камчиликларни бартараф этиб, олий мақсадларни кўзлаб, эзгу ишларимизни давом эттирамиз.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқармаси 18-жазони ижро этиш колониясига қарашли кўп тармоқли Республика шифохонасига хизматга олий маълумотли шифокорлар қабул қилинади. Ишга олинувчилар 35 ёшгача соғлигини ҳисобга олган ҳолда ички ишлар идораларига офицер бўлишлари ҳамда 50 ёшида нафақага чиқиш имтиёзидан фойдаланадилар, бошланғич ойлик маошлари 115000 сўмдан 140000 сўмгача белгиланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Оҳанграбо кўчаси, 1-уй.

Транспорт: А. Темур хиёбонидан 7-автобус ва 28-троллейбус, Тошкент шимолий вокзалидан 81-автобус, Чкалов метросидан 15-автобус. Юнусобод тумани, 10-даҳасидан 93-автобус боради.

Телефонлар: 90-83-86, 90-36-29, 90-78-14, 90-36-35, 90-36-17

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сон қарорларига мувофиқ, қуйидаги паст рентабелли корхоналарни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов эълон қилади!

1.Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат корхонаси

Корхона ва объект номи	Манзили	Танлов шартлари			
		Бепул бериш тартиби бўйича	Фаолият тури бўйича	Минимал инвестиция мажбуриятлари миқдори (млн. сўм) *	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6
«АВИАЛЬ» кичик давлат корхонаси	Сергели тумани, «Учувчилар» шаҳарчаси	Мулкий мажмуа сифатида тўлатигича (Чиноз туманидаги дам олиш маскани билан)	Фаолият турини сақлаб қолиш шарти билан	50,0	1

Изоҳ: * - Ушбу инвестиция миқдори, инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда, кўпроқ миқдорда кўрсатилиши мумкин.

2. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат активи

№	Корхона номи	Манзили	Низом жамғармасидаги давлат активи, %		Танлов шартлари			
			Жами	Шу жумладан давлат улуши	Бепул бериш тартиби бўйича (мулкий мажмуа сифатида, тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида)	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик шарти билан)*	Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳажми ** (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	«FAZO VIDEO» МЧЖ (собиқ «Ўзбекистон Республикаси видеомаркази» ОАЖ)	Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2"А"-уй	93,19	93,19	давлат активларини сотиш?	Фаолият турини сақлаб қолиш	5	0,5 (6 ой)

Изоҳ: *Фаолият турини ўзгартириш масаласи жамият акционерлари (таъсисчилари) қарорига кўра қабул қилинади.

**Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Танлов савдолари санаси: 2006 йил 11, 25 апрель, 10, 23 май, 6 ва 20 июнь кунлари.

Танлов савдолари соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй манзилида бўлиб ўтади.

ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати).
2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).

Ушбу ҳужжатлар ва инвестицион таклифлар танлов савдоси кунидан **уч кун** аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шартлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй.

Маълумот учун телефон: 133-22-98.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

2006 йил 16 мартда Тошкент шаҳрида ўтказилган танлов савдоси натижасига кўра, қуйидаги паст ликвидли объект инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини **маълум қилади:**

Танлов савдолари натижаси

№	Танлов савдоси санаси	Объект номи	Манзили	Инвесторнинг таклифлари		
				Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик)	Инвестиция мажбуриятлари ҳажми, (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7
1	2006 йил 16 март	«Ҳажм-блокли уй қурилиш тажрибавий комбинати» (ЭКОБД) ОАЖга қарашли бўлган қурилиши тугалланмаган 9 қаватли 30-сон ётоқхона биноси	Сергели тумани, «Қурувчи» даҳаси	Фаолият турини сақламаган ҳолда	350,0	2

Маълумот учун телефон: 133-22-98

Мунажжим башорати

ЯХШИ НИЯТЛАР КУНИ

6 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

БУГУНГИ КУН МУНАЖЖИМЛАР ТОМОНИДАН АЛДОВЛАР, АДАШИШ ВА ХОМ ХАЁЛЛАР КУНИ СИФАТИДА ТАВСИФЛАНАДИ. РЕЖА АСОСИДА ЯШАШ БУГУНГА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ.

Ҳаммаси аксинча тескариси бўлиб чиқиши мумкин. Янги ишларга қўл уриб бўлмайди, битим ва шартномалар тузиш ҳам мумкин эмас. Янги танишувларнинг ҳам хосиятсиз бўлиши кутилади.

Ўй-фикрларингиз ва қилмишларингизни назорат қилишга интилинг, тушадиган таклифларга эътиборли бўлинг. Ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун шундай қилишингиз зарур бўлади.

Юқоридагиларга қарамай, ёқимли гаплар ҳам бор. Бугунги кун дўстлик ришталарини боғлаш, эски қадрдонлар билан мулоқотлар учун қулай ҳисобланади. Қимматбаҳо буюмлар, зеб-зийнатлар сирасига кирадиган ҳамма нарсаларни сотиб олиш хайрли бўлади.

Кунни бошлиқлар билан, ҳокимият вакиллари билан мулоқотларга, машҳур кишилар билан учрашувларга бағишлаш мумкин. Экинларни экиш, кўчатларни кўчириб ўтқазиш мумкин эмас.

Бу пайшанбанинг астрологик фони бир мунча қизиқарли бўлиб, оиладаги мавқеларини алмаштирмоқчи бўлганларга кенг йўл очилади. Бошқа қариндош-уруғлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга аралашиш ҳуқуқини талашган "оила бошлиғи" ўзининг етакчи мавқеидан ажралиб қолиши мумкин.

Юрагингизни эҳтиёт қилинг, толиқмасликка интилишингиз керак. Ҳаммом қилиш, массаж олиш фойдали.

Кийинишда ёркин ва ола-була матолардан тикилган либосларга устуворлик берган маъқул. Оқ ва олтинранг кийимлар ҳам ёмон бўлмайди. Аммо кулранг, қора ва кумушранг либосларингизни жавоннинг нариги бурчагига суриб қўя туринг.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР !

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2006 йилнинг 7,11,14,18,21,25,28 апрель ва 2,5,12,16,19,23,26,30 май ҳамда 2,6,9,13,16,20,23,27,30 июнь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шахар ҳокимининг қарори билан аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади

Объект манзили	Бошлангич бахоси (сўм)	Қуриладиган мажмуа тури
Бектемир тумани		
Соловьев кўчасида - олтита, ҳар бири 0,02 га дан	4 074 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Ҳ. Бойқаро кўчасида, 0,02 га	30 754 268	Автомобилар ювиш шохобчаси
Лойиҳадаги Г-40,0 м (Ж.Астанов) кўчасида, 0,40 га	100 913 468	Суюлтирилган газ ёнилғи қуйиш шаҳобчаси
Оҳангарон шоҳ кўчаси, «Сувчи» даҳасида, 0,03 га	5 132 268	Савдо мажмуаси
«Сувчи» даҳасида, 0,015га	1 733 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
«Сувчи» даҳасида – иккита, ҳар бири 0,05 га дан	4 276 890	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Тошкент Ҳалқа йўлида, 0,18 га	13 157 468	Мотел, ресторан
Бектемир тумани, Соловьёв кўчаси, 0,015 га	3 027 324	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Мирзо Улугбек тумани		
Матқобилов кўчасида 0,044 га	5 415 628	Савдо ва маиший хизмат мажмуаси
Матқобилов кўчасида 0,036 га	4 536 108	
Матқобилов кўчасида 0,035 га	4 426 168	
Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида 0,05 га	4 614 768	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари
Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида 0,08 га	6 175 548	
Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзеси 2та, 0,04 га дан	2 797 468	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари
Миробод тумани		
Тошхўжаев кўчасида, 0,02га	2 561 600	Минимаркет
У.Олимбеков кўчасида, 0,06 га	5 250 600	Чойхона (муҳандислик иншоотларидан масофа сақлаган ҳолда мавжуд дарахтларни сақлаб қолиш шарти билан)
Бехтерев кўчасида, 0,045га	3 891 000	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Бехтеров кўчасида, 0,045 га	30 203 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуриш учун (муҳандислик иншоотларни кўчириш шарти билан)
"Қўйлик-3" мавзесида, 0,02га	3 432 300	Қаҳвахона
«Қўйлиқ» даҳаси, 2-мавзеда, 0,20 га	22 796 268	Тўйхона ва гузар
Янгизамон кўчасида – 0,02 га	3 588 968	Дўкон ҳамда офис (мавжуд томорқа ва муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)
Миробод тумани, Мунис кўчасида 0,04 га	7 479 324	Савдо ва маиший хизмат курсатиш мажмуаси
Сергели тумани		
Чоштепа кўчасида саккизта ҳар бири 0,009га. дан	1 499 265	Ҳунармандлар растаси
Сергели даҳаси, 1-мавзесида Сергели кўч. 0,03га	3 411 000	Кафе-ресторан
А.Ахматова кўчасида 0,06га	4 491 600	Маъмурий бино ва офис
А.Ахматова кўчасида 0,3га	19 230 000	Хусусий шифохона
Сергели кўчаси, «Сергели» даҳаси, 3-мавзеда, 0,054 га	5 012 208	Умумий овқатланиш мажмуаси ва дҒкон
«Спутник» даҳаси, 10-мавзе, Смоленск кўчасида, 0,08 га	4 376 268	Икки қаватли ошхона ва чойхона
Жанубий саноат ҳудудида, 0,09 га	8 907 324	Савдо ва овқатланиш мажмуалари
Мардлик кўчасида, 0,035 га	5 090 574	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси
Сергели-14 "Б" мавзесида, 0,34 га	20 173 824	Саноат моллари ва озиқ овкат-дукони
Дўстлик кўчасида, 0,06 га	5 295 324	Савдо, маиший хизмат ва умумовқатланиш мажмуаси
Файзли кўчасида 1-сон ер участка, 0,01 га	3 053 574	
Файзли кўчасида 2-сон ер участка, 0,01 га	3 053 574	
Массон кўчасида, 0,01 га	2 586 324	Ошхона
"Қўйлиқ" даҳаси, 6-мавзеда 1-сон участка, 0,02 га	5 225 324	Савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
"Қўйлиқ" даҳаси, 6-мавзеда 2-сон участка, 0,02 га	5 225 324	
А.Ахматова кўчасида, 0,022 га	7 801 324	Минимаркет
Лойиҳадаги Г-64,0 кўчасида, 0,02 га	7 157 324	
Сергели-2 мавзеси, Лутфикор кўчасида, 0,02 га	5 389 824	Савдо дўкони
Учтепа тумани		
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,028га	2 532 920	Савдо дўкони
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,043га	3 457 520	
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,0245га	2 317 180	
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,0305га	2 687 020	
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 2-та ҳар бири 0,037га. дан	3 087 680	
Х.Турсунқулов кўчасида учта ҳар бири 0,015га. дан	3 525 300	Савдо растаси
Х.Турсунқулов кўчаси, 15-17-уйлар оралиғида, 0,05 га	5 598 018	Минимаркет
Х.Турсунқулов кўчасида, 0,05 га	5 705 634	Супермаркет
25-мавзеда, 0,04 га	4 594 068	Супермаркет
24-мавзеда, 0,22 га	20 919 468	Гузар мажмуаси
Сегизбоев кўчаси, 39-уй ёнида, 0,04 га	5 080 668	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси
Сегизбоев кўчаси, 36-уй ёнида, 0,03 га	3 955 068	
23-мавзеда, 0,06га	7 907 268	Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
24-мавзеда, 0,01 га	3 660 268	Минимаркет
24-мавзеда, 0,04 га	4 328 268	Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Учтепа тумани, Турсунқулов кўчасида, 0,04 га	4 596 658	Савдо мажмуаси
Заргарлик кўчасида иккита 0,02 га.дан	2 967 768	Минимаркет ва савдо мажмуаси
Чилонзор тумани		
Чилонзор даҳаси, 19-мавзе, 2-Қатортол кўчасида иккита ҳар бири 0,012га. дан	3 374 880	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
3-мавзеда, 0,015 га	3 735 018	Савдо дўкони
С.Юсупов кўчасида – учта, ҳар бири 0,018 га.дан	2 480 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш растаси
1-мавзеда, 0,025 га	3 006 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
16-мавзеда – 0,015 га	3 708 108	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (мухандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)
1-мавзеда, 0,027 га	3 956 508	Савдо дўкони
Чилонзор тумани, Ш.Исломов кўчаси, 0,01 га	3 648 574	Савдо ва маиший хизмат курсатиш мажмуаси
Шайхонтохур тумани		
"Жарариқ" кўчасида, саккизта ҳар бири 0,0216га. дан	3 699 687	Савдо растаси
«Чорсу» мавзесида, 0,02 га	5 577 268	Озиқ-овқат дўкони
Жарариқ кўчаси, 0,01 га	1 779 158	Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Юнусобод тумани		
Мойқўрғон ва Тикланиш кўчалари кесишувида 0,03га	2 506 470	Дўкон
Мойқўрғон ва Ҳасанбой кўчалари кесишувида, учта ҳар бири 0,05га. дан	4 215 000	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
«Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзеда 0,06 га	3 592 188	Савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси
«Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзеда 0,04 га	3 448 668	
Тошкент автомобил Ҳалқа йўли, 19-мавзеда учта, ҳар бири 0,02 га.дан	3 919 708	2 қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
М.Мирзаев кўчаси, 19-мавзеда 0,04 га	3 710 868	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси
Ҳамза тумани		
Ғалабанинг 40 йиллиги даҳасида, 0,02 га	3 090 324	Қаҳвахона
Кадишев кўчасида, 0,03 га	14 549 324	Ошхона, қаҳвахона мажмуаси
Исмоилов кўчасида, 0,02 га	2 362 324	Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Қорасув тор кўчасида, 0,08 га	18 105 324	Ишлаб чиқариш корхонаси
Собир Раҳимов тумани		
"Тансиқбоев" даҳаси, Юнусов кўчасида 0,03 га	5 967 324	Дўкон ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси

Ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларига ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:

1. Ер участкасининг чегараси ;
2. Меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-I, АПЗ- II;
3. Топографик съемка, масштаб 1:500;
4. Муҳандислик- геологик хулоса;
5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 5% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 х/р тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 . 6